# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 21 апрель, № 79 (8422) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХҲТ ДИИҲБ МИССИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХҲТ ДИИҲБ) миссияси раҳбари Альберт Йонссон билан 20 апрель куни бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.**



Давлатимиз раҳбари ЕХҲТ билан сермаҳсул алоқалар, очиқ ва конструктив мулоқот йўлга қўйилганини мамнуният билан қайд этди.

Ўтган йилда Ўзбекистонга ЕХҲТ раиси, Польша ташқи ишлар вазири Збигнев Рау, ташкилот бош котиби Хельга Шмид, Миллий озчиликлар масалалари бўйича Олий комиссар Қайрат Абдураҳмонов ташриф буюрганини таъкидлаш жоиз.

Бюро экспертлари мамлакатимиз миллий сайлов тизимини модернизация қилишда, шу жумладан, Сайлов кодексини ишлаб чиқишда иштирок этган.

ДИИҲБнинг 2016, 2019 ва 2021 йилларда Ўзбекистонда бўлиб ўтган умумхалқ сайловларидаги кенг кўламли миссиялари якунида берилган тавсиялар ҳисобга олинган ва жорий қилинган.

Учрашув давомида референдумни юксак халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этишнинг турли жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Миссия раҳбари Альберт Йонссон мамлакатимизнинг янгиланган Конституциясида ўз аксини топган янги Ўзбекистондаги демократик янгиланишларни янада чуқурлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Дунёдаги жамийки ислом уммати қатори юртимиз мўмин-мусулмонлари ҳам катта шоду хуррамлик билан кутиб олаётган улуғ айём — Рамазон ҳайити билан сиз, азизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва самимий тилакларимни билдиришдан ғоят мамнунман.

Қалбларимиз қувонч ва эзгулик нурига тўлиб турган ушбу саодатли дамларда аввало мана шундай қутлуғ ва мунаввар кунларга эл-юртимиз билан биргаликда соғ-омон етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтамиз.

Халқимиз азалдан инсонпарварлик, меҳр-оқибат, хайру саховат ва бағрикенглик рамзи сифатида қадрлаб, эъзозлаб келадиган Рамазони шарифга бу йил ҳам пухта тайёргарлик кўрилиб, уни муносиб ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу эса мўмин-мусулмонларимиз учун барча диний ибодатларни файзли ва мазмунли ўтказиб, ушбу муборак ойнинг шафоат ва фазилатларидан тўла баҳраманд бўлиш имконини берди. Айниқса, минглаб юртдошларимиз икки муқаддас шаҳар — Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварага бориб, айнан Рамазон кунларида Умра амалларини адо этиш бахтига мушарраф бўлганлари эътиборлидир.

Биз буларнинг барчасини дину диёнатини пок сақлаб, соф ниятлар билан яшаб келаётган халқимизга Аллоҳ таолонинг чексиз марҳамати сифатида қабул қиламиз.

Азиз юртдошлар!

Янги Ўзбекистонни қуриш жараёнида ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори диний йўналишдаги ишларимиз ҳам янги босқичга кўтарилиб бормоқда. Кейинги йилларда сизлар билан бирга бу борада улкан ишларни амалга ошираётганимиз халқимиз, жамоатчилигимизга яхши маълум, албатта.

Айниқса, юртимизда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари иш бошлагани, Бухорода Мир Араб олий мадрасасига, Самарқандда Ҳадис илми мактабига асос солингани, Қашқадарёда Абу Муин Насафий, Наманганда Султон Увайс Қараний қадамжолари, Тошкент шаҳрида Сузук ота мажмуаси янгитдан бунёд қилингани, ўнлаб муҳташам масжидлар, диний билим муассасалари барпо этилгани, зиёратгоҳ масканлар обод қилингани маънавий-руҳий ҳаётимизда алоҳида ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Энг муҳими, бундай кенг кўламли ишларимиз Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси сингари муаззам обидалар қурилиши мисолида жадал давом эттирилмоқда.

Мўмин-мусулмонларимизга ибодат амалларини эмин-эркин адо этишлари учун янада қулай шароитлар яратилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, умра зиёрати бўйича квота бекор қилингани, ҳаж зиёратига борувчилар сони 3 баробар оширилганини қайд этиш зарур. Хусусан, биргина жорий йилнинг ўтган даврида 31 минг нафардан ортиқ ватандошларимиз Макка ва Мадинада муқаддас ибодатларни бажариб, эл-юртимиз ҳаққига эзгу дуолар қилиб қайтганларини таъкидлаш ўринли.

Айни вақтда юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан табаррук қадамжолар обод қилиниб, эҳтиёжманд кишилар, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётгани ҳам Рамазон ойининг аҳамияти ва файзу шукуҳини оширишга хизмат қилмоқда.

**Буларнинг барчаси мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш, диний-маънавий қадриятларни тиклаш ва эъзозлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлиб, биз бундай савобли ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.**

Муҳтарам дўстлар!

Биз жонажон Ватанимизда тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, халқимиз ҳаётини янада эркин, обод ва фаровон этишни мақсад қилган эканмиз, ўтган давр мобайнида эришган барча ютуқларимиз, жумладан, виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасидаги ижобий ўзгаришларни ҳар томонлама мустаҳкамлаб боришимиз кераклигини, буни ҳозирги ва келгуси тараққиётимиз тақозо этаётганини ҳаммамиз яхши англаймиз, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган, инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаётий манфаатларини таъминлашга қаратилган ислоҳотларимизнинг янада самарали ва бардавом бўлиши учун жон куйдириб, ўз тақдири ва келажагига чуқур масъулият ҳамда дахлдорлик туйғуси билан яшаб, фидокорона меҳнат қилаётган барча юртдошларимизга, кўп миллатли бутун халқимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Азиз ва қадрли ватандошлар!

Ушбу шукуҳли лаҳзаларда дунё мўмин-мусулмонларини, дўст ва ҳамкорларимизни Рамазон байрами билан самимий қутлаб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик-барқарорлик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Оила даврасида, маҳаллаларда муборак Ийд-ал-фитр айёмини хурсандчилик билан кутиб олаётган сиз, муҳтарам юртдошларимни яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Нияти пок, мақсадлари улуғ халқимизнинг эзгу орзу-интилишлари рўёбга чиқсин!

Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртдошларимизнинг виждон эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларимиз туфайли яратилган қулай имкониятлардан самарали фойдаланиб, халқимиз муборак Рамазон ойини тинчлик-хотиржамлик ва шукроналик билан ўтказмоқда.

Айниқса, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар ва нуронийлар жамоатчилиги, диний уламоларимиз томонидан жойларда кўплаб маънавий-маърифий ишлар амалга оширилаётгани, саховат ва меҳр-мурувват тадбирлари доирасида кам таъминланган, ёлғиз ва ногиронлиги бўлган инсонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга амалий ёрдамлар кўрсатилаётгани Рамазон ойининг аҳамияти ва файзу тароватини янада оширмоқда.

Ана шундай хайрли ишларнинг давоми сифатида улуғ айём — Рамазон ҳайитини муносиб кутиб олиш ва юксак савияда ўтказиш, унинг моҳиятида мужассам бўлган меҳр-оқибат, саховат, олижаноблик ва бағрикенглик фазилатларини асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш, эл-юртимизнинг эзгу ният ва орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Жорий йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни **21 апрель — жума** кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инобатга олиб, мамлакатимизда 2023 йил **21 апрель** куни Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Аҳолининг Рамазон ҳайити байрамини муносиб кутиб олиши ва юксак савияда ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида **2023 йил 24 апрель (душанба)** куни иш ҳафтасининг туридан қатъи назар, барча ходимлар учун **қўшимча дам олиш куни** сифатида белгилансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Рамазон ҳайити халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Маданият ва туризм вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун муборак Рамазон ҳайити кунларида мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларини ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 20 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2022 ЙИЛ 23 ДЕКАБРДАГИ «2023 ЙИЛДА РАСМИЙ САНАЛАРНИ НИШОНЛАШ ДАВРИДА ҚЎШИМЧА ИШЛАНМАЙДИГАН КУНЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПФ-270-СОН ФАРМОНИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Рамазон ҳайитининг биринчи куни 2023 йилда 21 апрелга тўғри келишини инобатга олган ҳолда аҳолининг ушбу байрамни муносиб кутиб олиши ва юксак савияда ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги "2023 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ-270-сон Фармонига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 20 апрель

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 апрелдаги ПФ-58-сон Фармонига илова*

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги «2023 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПФ-270-сон Фармонига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"1. 2023 йилда қуйидаги қўшимча дам олиш кунлари белгилансин:

барча ходимлар учун (иш ҳафтасининг туридан қатъи назар): 2 январь — душанба, 24 апрель — душанба, 30 июнь — жума;

олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун: 3 январь — сешанба, 20 март — душанба, 22 март — чоршанба, 22 апрель — шанба, 1 июль — шанба, 2 сентябрь — шанба, 30 декабрь — шанба".

2. 3-банднинг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

3. 4-банднинг иккинчи хатбошисидаги "Туризм ва маданий мерос вазирлиги" сўзлари "Маданият ва туризм вазирлиги" сўзлари билан алмаштирилсин.

## ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида* ***"Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармон****ни имзолади.*

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **541** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **374** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **110** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **18** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **39** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **36** нафарини чет эл фуқаролари, **136** нафарини аёл, **75** нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар ҳамда **6** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.







# ЎҚИТУВЧИЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМГА ЭГА БЎЛМОҚДА

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева яқинда аҳоли вакиллари, маҳалла фаоллари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, фаол хотин-қизлар ва ёшлар билан учрашиш мақсадида Андижон шаҳри, Андижон ва Бўстон туманларида бўлди.*

## Мулоқот

Учрашувлар давомида қонунчиликдаги янгиликлар, хусусан, янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси мазмун-моҳияти, хотин-қизлар ва вояга етмаган болаларни зўравонликдан асраш бўйича амалиётга киритилган ҳуқуқий ўзгартишларга эътибор қаратилиб, аҳоли вакилларининг турмуш шароити, маҳаллаларда олиб борилаётган иш жараёнлари билан танишилди ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ўзаро фикр алмашилди.

Жумладан, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар билан ташкил этилган учрашувда янгиланаётган Конституцияга киритилган нормалар мазмун-моҳиятига атрофлича тўхталиб ўтилди.

Ўз навбатида, Сенат Раиси учрашувлар давомида янги таҳрирдаги Бош қомусимиз лойиҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинлари кафолатлари кучайтирилаётгани, таълим олиш ҳуқуқи ва имкониятлари кенгайтирилаётгани, ўқитувчилар конституциявий мақомга эга бўлаётгани, ёшлар ҳуқуқлари Конституция ҳимояси остида бўлиши ва бошқа янгиланишлар хусусида сўз юритди.

Мулоқотлар давомида Сенат Раиси томонидан таълим ва тиббиёт муассасалари ходимларининг мажбурий меҳнатга жалб этилишига чек қўйиш борасида эришилган ютуқлар, бу борада давлат раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси, ушбу натижаларни Конституция билан мустаҳкамлаш борасида қилинган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Бундан ташқари, Т. Норбоева вилоятда ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, минглаб янги иш ўринлари ташкил этган тадбиркорлик субъектлари, маҳалла раислари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари, профилактика инспекторлари ҳамда ҳоким ёрдамчилари фаолияти, айни чоғда вилоятда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари ва Оилавий болалар уйида вояга етаётган болалар ҳолидан хабар олинди.

**«Халқ сўзи».**

# БОШ ҚОМУСИМИЗГА КИРИТИЛАЁТГАН ЯНГИ НОРМАЛАР АҲАМИЯТИ ТУШУНТИРИЛЯПТИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар Сирдарё вилоятида бўлиб, тиббиёт ва таълим соҳаси ходимлари, фермерлар, тадбиркорлар, маҳалла фаоллари, ишлаб чиқариш корхонаси ишчилари билан учрашиб, мулоқот қилди.*

*Мазкур жараёнда янгиланаётган Конституциянинг моҳияти, унга киритилаётган янги нормалар аҳамияти ҳақида кенг ва атрофлича маълумот берилди. Янги таҳрирдаги Бош қомусимизда барча қатлам манфаатлари инобатга олингани, уни ишлаб чиқишда кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, экспертлик ва илмий доиралар вакиллари, зиёлилар фаол иштирок этгани, лойиҳа том маънода халқ Конституцияси бўлаётгани алоҳида таъкидланди.*

*Фуқаролар киритилган янги нормалар аҳолининг фаровон яшашига, давлатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилиши, ислоҳотларнинг туб моҳияти, мазмуни сингдирилганини қайд этдилар.*

## Учрашув

**Дилдора АКБАРАЛИЕВА, Оқолтин туманидаги «Янги давр» МФЙ хотин-қизлар фаоли:**

— Аёлни эъзозлаш халқимизга хос эзгу қадриятлардан. Юртимизда Президентимиз ташаббуси билан сўнгги йилларда бундай анъаналаримизга қаратилаётган юксак эътибор туфайли хотин-қизларнинг оила ва жамиятда тутган ўрни, фаоллиги ошиб бормоқда.

Биргина бизнинг маҳалламизни олайлик. Опа-сингилларимизни касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун кўмаклашиляпти, ўзини ўзи банд қилиш истагида бўлганларга эса меҳнат ашёлари учун субсидиялар ажратиляпти. Бу, ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлашга, оилаларнинг фаровон бўлишига хизмат қилаётир.

Янгиланаётган Конституцияда ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган нормаларнинг акс этаётгани бизни жуда қувонтирди. Биз, албатта, референдумда фаол қатнашамиз.

**Шавкат УММАТОВ, «Улуғбек» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Ери бойнинг эли бой, дейди халқимиз. Ҳар бир хонадоннинг қутбаракали бўлиши, одамларимизнинг ўз турмушидан рози ва мамнун яшаши учун, албатта, ернинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланишимиз зарур. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги имкониятлар ердан унумли фойдаланиш, аҳолининг даромадларини оширишда муҳим омил бўляпти.

Янгиланаётган Бош қомусимизда ҳам ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни, уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкинлиги назарда тутилмоқда. Ернинг хусусий мулк сифатида белгиланиши мулкдорлар қатламининг кенгайишига, ер участкаларидан фойдаланиш бўйича иқтисодий самарадорликнинг ошишига хизмат қилади.

**Мустафоқул ТЎРАЕВ, халқ депутатлари Мирзаобод тумани Кенгаши депутати:**

— Янгиланаётган Конституцияда аҳолининг ҳар бир қатлами келажакни кўряпти, десам, асло муболаға бўлмайди. Чунки унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қоидалар бир неча карра, давлатнинг халқ олдидаги мажбурияти бир неча баравар ошмоқда.

Референдум келажагимизни белгилайди, халқимиз унинг аҳамиятини тушуниб етаётир. Киритилаётган ўзгартишларни кўтаринкилик билан қарши олиб, қўллаб-қувватламоқда. Ўйлайманки, халқимиз референдумда фаол иштирок этади.

**Раъно ЎРОЛОВА, Мирзаобод туманидаги 10-мактаб директори:**

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўқитувчи касбининг мақоми ва нуфузини кўтариш, педагогларнинг моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватланишини таъминлаш, самарали меҳнат фаолияти учун муносиб шароитлар яратилмоқда. Ўқитувчиларга улкан имкониятлар, қатор имтиёзлар берилиши ҳар бир ўқитувчи ўз устида ишлаши ва таълим сифатининг ошишига жиддий таъсир қиляпти.

Ўзгаришларни мактабимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Битирувчиларимизнинг олий ўқув юртларига кириш қамрови сезиларли даража ошгани, ўқувчиларимизнинг фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллаётгани фикримизнинг тасдиғидир.

Янгиланаётган Бош қомусимизда таълим олиш ҳуқуқи ва имконияти кенгайтирилаётгани, ўқитувчилар конституциявий мақомга эга бўлаётгани, айниқса, таҳсинга сазовордир.

**«Халқ сўзи».**

Фикр

# ҲАР БИР ИНСОННИНГ ЎЗ ШАХСИНИ ЭРКИН КАМОЛ ТОПТИРИШ ҲУҚУҚИ

*Янгиланаётган Конституцияда мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегияси, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолатлар ўз ифодасини топган. Барча қатлам манфаатлари инобатга олинган.*



Айниқса, Конституцияда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баравардан ортиққа ошаётгани Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш бўйича олиб борилаётган изчил ислоҳотлар чуқур ва ортга қайтмас эканлигидан далолат беради.

Айтиш жоизки, ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқи — бу инсоннинг эркин ривожланиши, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлишидир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳам айнан “ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзининг ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинишига ҳақли”, деган қоида бежиз мустаҳкамланмаган.

Шахсни эркин камол топтириш ҳуқуқи унинг ҳуқуқларини қонунчиликда кафолатлаш, сўнгра уларни таъминлаш орқали амалга оширилади. Шу маънода, янги таҳрирдаги Конституциянинг 21-моддасида ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилаётгани эътиборга моликдир. Бинобарин, Ўзбекистон қонунчилиги “инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”, деган олтин қоида билан сингдирилганлиги эркин камол топиш ҳуқуқини амалга ошириш учун барча имконият мавжудлигини англатади.

У инсоннинг ижод қилишга бўлган ҳуқуқлари асосида ўзига керакли бўлган билим ва кўникмаларни эгаллаш ҳуқуқини ҳам англатади. Мазкур ҳуқуқнинг белгиланиши инсонни ўзини ўзи кашф этиши ва ривожлантириши учун конституциявий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, янги таҳрирдаги Конституцияда барчанинг — бир томондан, давлат ва унинг органлари тизими, иккинчи томондан инсон, фуқаро ва жамиятнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари аниқ ва лўнда муҳрлаб қўйилмоқда.

Қонунда белгиланганидан ташқари бошқа бирор-бир мажбуриятни бажаришга ҳеч ким мажбур эмас. Конституцияга киритилаётган ушбу норма мазкур ҳаётий ҳақиқатларни рўёбга чиқариш орқали оддий одамлар турмушини янада енгиллаштиради, десак, айни ҳақиқат.

Конституция ва қонунларда бизнинг зиммамизга фуқаро, инсон, ота-она, фарзанд ёки муайян касб эгаси сифатида бир қатор мажбуриятлар юклатилган. Жумладан, қонунларга риоя этиш, бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ота-онани боқиш ва фарзандларни тарбиялаш, табиий муҳит ва тарихий ёдгорликларни асраш, солиқларни тўлаш, Ватанни ҳимоя қилиш ва бошқалардир.

Ушбу моддада ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликдан ташқари мажбурият юклатилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилаётгани ҳам айни муддао бўлди.

Янги киритилаётган норма фуқаролар ва юридик шахслар фақат Конституция ва қонунчилик ҳужжатларида мажбурий этиб белгиланганидан ташқари, бошқа бирор-бир мажбуриятни бажаришга бурчли эмаслигини, шунингдек, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳам уларга қонунчиликда белгиланмаган қўшимча мажбуриятларни юклаш ваколатига эга эмаслигини англатади. Бу билан эса амалиётда баъзан учраб турадиган, бирор-бир қонунда кўрсатилмаган мажбуриятни ёки қандайдир вазифани ташкилот раҳбари томонидан ходимга юклаш каби салбий ҳолатларга қатъиян чек қўйилади.

**Шерзод РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.**

Анжуман

# ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ВА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК

*Тошкент шаҳрида Марказий Осиё минтақавий экологик маркази (САРЕС) томонидан минтақа давлатлари парламентлари аъзолари ва Ташқи ишлар вазирликлари вакилларининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Алихонов иштирок этди.*

Анжуманда Марказий Осиё мамлакатларида қонунчилик, институционал асослар ва иқлим сиёсатини амалга оширишни такомиллаштириш, иқлим бўйича мажбуриятларни бажаришдаги муваффақиятлар хусусида сўз борди.

Б. Алихонов ўз маърузасида иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари, унинг олдини олиш ҳамда салбий таъсирини юмшатиш борасида кўрилаётган чоралар ва келгуси режалар, минтақада экологик барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган галдаги ишлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, сенатор сўнгги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш ва олдини олиш ҳамда Оролбўйи минтақаси экотизимини яхшилаш борасида рўёбга чиқарилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди. Айни чоғда 2022 йилнинг ноябрь ойида Мисрнинг Шарм аш-Шайх шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича XXVII конференцияси (СОР27) доирасида Ўзбекистон делегацияси тақдим этган Ер сайёраси минтақаларида иқлим ўзгариши интенсивлигини аниқлайдиган универсал формула қатнашчилар томонидан қўллаб-қувватлангани ҳам айтиб ўтилди.

Тадбирда парламентлараро ҳамжиҳатлик орқали кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши курашиш бўйича академик ва илмий маълумотлар алмашинувини таъминлаш каби масалалар ҳам иштирокчилар диққат марказида бўлди.

**«Халқ сўзи».**

# ЯГОНА ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги қонун манфаатдор ташкилотлар, экспертлар, олим ва мутахассислар иштирокида муҳокама қилинди.*

## Сенат қўмитасида

Таъкидланганидек, мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва улар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни тартибга солувчи бирон-бир қонун мавжуд эмас. Бу соҳадаги муносабатлар шу кунга қадар Адлия вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган низом асосида тартибга солиб келинмоқда. Бу эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда етарлича самара бермаяпти, қонунчилик ҳужжатларида коррупциявий бўшлиқларга замин яратмоқда.

Мазкур қонун юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф қилиш билан бирга, ушбу соҳани тартибга солувчи ягона қонун сифатида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш нафақат адлия органлари, балки Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқувчи давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ўз зиммасига юклатилган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳам ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи ваколатли органларнинг ушбу соҳадаги асосий фаолият йўналишлари ҳамда коррупцияга қарши экспертиза ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доираси аниқ белгиланмоқда.

Қонун билан муҳрланаётган энг аҳамиятли қоидалардан бири, бу — қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда жамоатчилик иштирокининг мустаҳкамланаётганидир.

Йиғилишда иштирокчилар томонидан қонун бўйича билдирилган фикрлар муҳокама қилинди. Қонун мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш орқали коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш ва ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилиши таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

Бир модда шарҳи

# ФУҚАРОЛАР КАФОЛАТЛАНГАН БЕПУЛ ТИББИЙ ЁРДАМ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИНАДИ

*Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, соҳага босқичма-босқич тиббий суғурта тизимини жорий этиш, тиббий хизматлар бозорида замонавий рақобат муҳитини яратиш, шу асосда аҳолининг кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда.*



Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган 300 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳбарлигида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини, сифатини ва қулайлигини ошириш таъминланяпти.

Шу боис тиббиёт муассасалари тармоғи кенгайиб, халққа янада яқинлашмоқда. Жумладан, охирги беш-олти йилда 200 дан зиёд оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокорлик пунктлари қайтадан ташкил этилди. Ўтган йилда олис ва чекка аҳоли манзилларида 1000 дан ортиқ маҳалла тиббиёт пунктлари очилган бўлса, жорий йилда яна 140 та оилавий поликлиника ва 500 дан зиёд маҳалла тиббиёт пунктлари фаолиятини йўлга қўйиш ишлари бошлаб юборилган.

Давлат ҳисобидан кафолатланган тиббий хизматни ривожлантириш мақсадида 2021 йилдан тиббиётнинг бирламчи бўғинида аҳоли 66 турдаги, 2022 йилдан эса 120 турдаги дори воситалари билан бепул таъминланмоқда. Яъни ҳозирги вақтда бирламчи зарур дори-дармонларни аҳоли тиббиётнинг бирламчи бўғинидан олаётир.

Бундан ташқари, ихтисослаштирилган марказларда бепул даволанадиган касалликлар рўйхати шакллантирилиб, тиббий ёрдам учун йўлланма электрон навбат асосида берилиши йўлга қўйилди. Мамлакатимизда илк бор ўтган йили Давлат тиббий суғурта жамғармаси томонидан 29 та хусусий шифохона билан шартномалар тузилди. Энг муҳими, суғурта тизимига асосан, маблағлар шифохонага эмас, балки аниқ беморга ажратилмоқда.

Шу пайтгача амалда бўлган тизимда соҳага ажратилаётган маблағлар қанча бемор даволанганидан қатъи назар, тиббиёт муассасаларига йўналтирилган бўлса, суғурта механизмлари асосида бу маблағлар беморга йўналтирилмоқда. Натижада олдин “ордер” асосида даволанса ҳам юқори технологик операциялар учун зарур маблағнинг маълум қисми бемор ёки унинг яқинлари томонидан қопланган бўлса, ҳозирги кунда бу маблағнинг барчасини суғурта жамғарма маблағлари ҳисобидан тўлаб бериш йўлга қўйилди.

Янгиланаётган Конституциямизда аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайтирилаётгани бу борада бугун эришган ютуқларимиздан келгуси авлод ҳам эмин-эркин фойдаланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

Бош қомусимизнинг 48-моддасида ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилмоқда.

Бу жуда муҳим ижтимоий кафолатдир. Чунки аҳолимиз айрим қатламларининг пулли асосда ёки хусусий шифохоналар хизматидан фойдаланишга имконияти етмаслиги мумкин. Ана шундай вазиятда давлат ўз фуқаросини кафолатланган тиббий хизмат билан таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши керак. Конституциядан ўрин олаётган ушбу модда айнан мазкур жиҳатларни кўзда тутади.

Қисқача айтганда, давлат тиббиёт соҳасига оид энг муҳим вазифаларни ўз зиммасига олаётгани оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

**Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.**

# ҲЕЧ КИМ АЙНИ БИР ЖИНОЯТ УЧУН ТАКРОРАН ҲУКМ ҚИЛИНИШИ МУМКИН ЭМАС

*Сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳаётида оламшумул, кенг кўламли ўзгаришлар юз бермоқда. Айниқса, охирги олти йилда юртимизда бир неча ўн йилликларга татигулик ишлар амалга оширилди. Изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар натижасида қисқа даврда мамлакатимизда янгиланишлар нафаси кириб бормаган бирорта соҳа ва тармоқ, шаҳар ва туман, қишлоқ ва маҳалла қолмади, ҳисоб.*



Хусусан, давлатимиз инсон учун, халқ учун очилди. Халқ билан бевосита мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича, мутлақо янги тизим яратилди. Мамлакатимизда инсонга бўлган эътибор, муносабат тубдан ўзгарди.

Инсон қадр-қиммати бош мақсадга айланиб, раҳбарларнинг ҳаётдан айри, қуруқ ва асоссиз ҳисоботларига чек қўйилди. Чекка, шароити оғир туманларга мамлакат раҳбарининг бориши, оддий фуқароларнинг хонадонига кириши одамлар қалбига ёруғлик олиб кирди. Инсонга умид бағишлади, ишонч берди.

Ҳаётимизда “Давлат — инсонлар учун” деган халқчил ғоя, изчиллик билан қарор топиб бораётир. Инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, қадр-қиммати ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш тамойили, ислоҳотлар моҳиятини ташкил этмоқда.

Яқин-яқингача кўплаб инсонлар беайб айбдор бўлиб, жавобгарликка тортилгани, ҳаттоки қамалишгача бориб етган ҳолатлар кўпчиликка яхши маълум. Ачинарлиси, қайсидир ёпиқ ҳужжат ёки топшириқлар асосида инсонлар жавобгарликка тортилган ҳолатлар ҳам учраб турарди.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида янгиланаётган Конституциямизнинг 30-моддасида ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм этилиши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилмоқда.

Хўш, ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм этилиши мумкин эмас, деганда нимани тушунамиз? Ҳукм қилиш жиноят содир этган шахснинг иши суд томонидан адолатли, қонунан кўриб чиқилиши натижасида қабул қилинган қарор — айбдор ёки айбсиз эканлигига муносабатдир.

Бош қомусимизда “Ҳеч ким айнан битта ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас”лиги тўғрисидаги норма ҳам назарда тутилмоқдаки, бу қонунларни қўллаш амалиётида бир хил ёндашув таъминланишида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Масалан, Жиноят кодексида одиллик принципи сифатида ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги белгиланган. Бироқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда айнан бундай аниқ нормалар мавжуд эмас. Бу эса амалиётда турлича талқинга олиб келади. Натижада жиноий жавобгарликка тортилган инсонларга яна қўшимча бошқа жазолар ҳам берилишига сабаб бўлади. Агар бу норма Конституцияда бўлганида эди, жазо тайинлашда унга таяниш мумкин бўларди.

Мисол учун, дейлик, бир киши бир ножўя хатти-ҳаракат содир этди. У суд томонидан айбли деб топилди ва жарима жазоси белгиланди. Яъни у қилмиши учун жазосини олиб бўлди. Аммо ўша шахснинг ишхонасида унинг раҳбари ходими судланганини эшитиб, гарчи бу ножўя ҳаракатнинг ишга умуман алоқаси бўлмаса ҳам, ўша ходимни ишдан бўшатиб юборди.

Демак, бир қилмиш учун ўша одам иккита жазо оляпти. Бу адолатданми? Албатта, йўқ. Асосий Қонунимизга айни бир ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги ҳақида қоида киритилиши, шубҳасиз, амалиётда фуқароларнинг битта иши учун турли инстанциялар томонидан турлича жавобгарликка тортилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Конституция энг юқори турувчи олий ҳужжат бўлгани учун, ундаги қоидалар жавобгарликнинг барча турига тааллуқли бўлади. Бу эса инсон қадрини ҳимоя қилиш йўлида яна бир қадам бўлади. Энг муҳими, бундай норманинг Конституцияга киритилиши қонунчиликдаги турли талқинларнинг олдини олиш баробарида, кичик хатолар учун катта ёки бир нечта жавобгарликлар келиб чиқмаслигига замин яратади.

Хулоса ўрнида айтганда, ўтган олти йил Ўзбекистонда инсон қадрини, шаънини, ҳуқуқларини тиклаш даври бўлди, десак, айни ҳақиқат. Янги таҳрирдаги Конституциямиздан ўрин олаётган нормалар фуқароларнинг шахсий, мулкий ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Фахриддин САМАДОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.**

Мунособат

*Янги Ўзбекистон ўз олдига бугун шунчаки ривожланишни эмас, балки жамият ҳаётининг турли соҳаларида инсон манфаати, қадри ҳар нарсадан устун, деган ғоя асосига қурилган ислоҳотлар самараси ҳар жабҳада, ҳар соҳада сезилишига, қисқача айтганда, одамлар фаровон турмуш кечириши учун замин яратишини мақсад қилиб қўйган. Буларнинг замирида эса мустаҳкам асос, ҳуқуқий пойдевор — Конституция туради.*

*Ренессанс эса бу маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли бирхилликдан кейин қайта ривожланиш, ижтимоий онг ва қадриятлар тизимининг янгиланиш жараёнида намоён бўлади. Биз бугун янги Ўзбекистонда учинчи Ренессансни барпо этиш остонасида турар эканмиз, Бош қомусимизни қайта кўриб чиқиш, шиддат билан ривожланаётган замон талабларига мослаштириш зарурат ҳисобланади.*

*Хўш, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясига ўзгартиш киритишга қандай эҳтиёж бор эди? Нима учун амалдаги Конституция бугунги куннинг муаммоларига етарлича ечим топиб беролмаяпти?*

# ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Конституцияни янгилаш бугунги кунда ҳаёт эҳтиёжидир. Маълумки, ҳозирги давр жудаям катта, кутилмаган хавф-хатар ва таҳдидлар юз бериши мумкин бўлган замонга айланмоқда. Бир томондан, мамлакатлар ўртасидаги зиддиятли жараёнлар, иқтисодий қарама-қаршиликлар кучайган бўлса, иккинчи томондан, турли глобал муаммолар (пандемия, озиқ-овқат етишмаслиги, энергия ресурслари тақчиллиги)нинг кўпайганлиги ҳар қандай давлатда бўлгани каби Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Бундай муаммоларга ечим топиш учун албатта, бугунги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тизимида ҳам ўзгартиришлар қилиш кераклиги айни заруратдир.

Ўз навбатида, мамлакатимиз ҳар жиҳатдан катта давлатга айланмоқда. Аҳолимиз 2040 йилга бориб 50 миллионга етиши кутилмоқда. Уларга муносиб ҳаёт шароити яратиш учун эса барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар бўлиши лозим. Булар ва бошқа кўпдан-кўп муаммолар ечими мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворни — Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясини тақозо этади.

## Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг бош мезони

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва улар ҳурматини сақлашга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган тизим ташкил этилган. Булар барчасининг замирида эса Бош қомусимизда баён қилинган инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкамланганлиги ётади.

Инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳада биринчи ўринда туриши керак, деган тамойилдан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, дея эълон қилинар экан, янгиланаётган Конституция лойиҳасида инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баравардан ортиққа ошмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларимизнинг, ҳар бир вазирлик ва идора фаолиятининг мазмунига айланиши қатъий талаб сифатида белгиланяптики, бу ҳол давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг фақат ва фақат фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатишига асос бўлади.

Конституцияда давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги мустаҳкамланмоқда. Асосийси, қонунчиликда белгиланмаган мажбурият ҳеч кимнинг зиммасига ўз розилигисиз юклатилиши мумкин эмаслиги қайд этиляптики, ушбу норма одамлар ҳаётини янада енгиллаштиради.

## Ренессанс — таълим-тарбияни ислоҳ қилишдан бошланади

Янги Ўзбекистонда учинчи Ренессансни барпо этиш албатта, таълим соҳасини ислоҳ қилишдан бошланади. Таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати, уни замон талаблари асосида модернизациялаш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, ўқув муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш бугунги ислоҳотларнинг асосини ташкил этади. Бусиз биз мамлакатимизни тараққиётнинг янги босқичига, мақсад қилиб олинган энг ривожланган 50 та мамлакат қаторига киритишга эриша олмаймиз, десак, муболаға эмас.

Президентимизнинг 2022 йил 20 июндаги Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувидаги нутқида янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлмиш ўғил-қизларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни Конституцияда мустаҳкамлаб қўйиш долзарб масала эканини, шунингдек, Бош қомусимизда боланинг манфаатлари, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун барча шароитни яратиш устувор йўналишлардан бири сифатида ўз аксини топиши зарурлигини таъкидлаган эди.

Шундай экан, янгиланаётган Конституциямизда ҳам айнан таълим соҳасидаги нормаларга алоҳида эътибор берилиб, таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб 2 баробар ошмоқда.

Жумладан, фуқароларнинг олий таълим муассасаларида давлат гранти ҳисобидан ўқиш ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилмоқда. Маълумот тариқасида айтиш мумкинки, 2017 йилгача олийгоҳларда ўқиш учун давлат грантлари сони фақат қисқариб келган бўлса, охирги олти йилда бу борадаги аҳвол бутунлай ўзгарди. Давлат грантлари сони 2 баравар кўпайиб, 40 мингтага етди. Магистратура учун эса 5 баравар кўпайди.

Олий таълим ташкилотларига академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи тақдим этилмоқда. Конституциямизга ушбу норманинг киритилиши профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўқув жараёнидаги мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан, кейинги йилларда кўплаб нодавлат олий ўқув юртлари очилди, хорижий университетлар филиаллари сони ортмоқда, 41 та олий ўқув юртига академик ва молиявий мустақиллик берилди.

Ногиронлиги бор болажонларга ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун барча шароитни яратиш кўзда тутиляпти. Шунинг учун бундай имкониятлар инклюзив таълим сифатида Конституцияга киритилмоқда. Бу — шундай нуқсонларга эга болаларнинг яккаланиб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланиши ва камол топиши учун муҳим кафолат. Бугунги кунда ақли ожиз, кар ва заиф эшитувчи, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи, таянч аъзоларида нуқсони бўлган 21 231 нафар бола учун республикамизда ихтисослаштирилган 90 та мактаб фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, енгил даражадаги ногиронлиги бўлган 18 мингга яқин ўқувчилар мактабларда соғлом болалар билан биргаликда ўқишмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳат, Конституцияда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишига ғамхўрлик кўрсатиш мажбурияти кучайтириляпти. Бу қоидалар мамлакатимиздаги 700 мингга яқин ўқитувчиларнинг профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланиши, уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми, обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳар қандай давлатда, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири. Қонун устуворлигини таъминлаш эса кучли қонунларни талаб этади. Янги таҳрирдаги Конституция мана шундай кучли қонун сифатида Ўзбекистонда эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг муҳим омили сифатида хизмат қилади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

**Карима ТУЛЕНОВА,**
**Тошкент давлат педагогика университетининг кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор.**

НУҚТАИ НАЗАР

# ИСЛОМ МАЪРИФАТИ ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИК, ПОКЛИК, ИНСОНИЙЛИККА ДАЪВАТ ЭТАДИ



*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.*

*Рамазон ойи бутун ислом олами томонидан доим орзиқиб, катта хурсандчилик билан кутиб олинади. Чунки ушбу муборак ой қадриятлари жамиятда тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик муҳитини, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, саховат ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.*

Бинобарин, ислом ўзаро аҳилиноқликка, осойишталикка, покликка, инсонийликка, меҳр-мурувватга, ўзгаларга яхшилик улашиш, илм-маърифат эгаллаш, Ватанни севишга чақирувчи диндир. У инсонни икки дунё саодатига етказади.

Яратган эгам ҳар қатра, ҳар зарра, ҳар томчида ўз зуҳуротини акс эттиради. Оламнинг яралиши бандани улуғлаш туфайли экан мўмин-мусулмонларга уларнинг халифалик рутбасини эслатиб туради. Ҳар қандай тасодифий туюлган ҳодисадаги маълум қонуният шу сабабли Аллоҳнинг синови сифатида қаралади. Ер юзининг турли бурчакларида кечаётган ҳодисалар, муҳораба-бўҳронлар силсиласида мўмин-мусулмончиликка амал қилиб, имонини мустаҳкам тутганлар ҳақида ўйлаб кўрайлик. Улар дунё моли, ўткинчи нарсалар устида ўзига ўзи жабр қилаётганлардан эмасликлари учун шукрона айтишади. Шундай экан, инсон зоти қаерга талпиниб, нимага суяниб яшаса, шундай тақдирга эга бўлади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг "Кофирун" сурасида шундай марҳамат қилади: *"(Эй, Муҳаммад!) Айтинг: "Эй, кофирлар! Мен сизлар ибодат қилаётган нарсага ибодат қилмасман. Сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилувчи эмассиз. Мен сизлар ибодат қилган нарсага ибодат қилувчи эмасман. Сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилувчи эмассиз. Сизга — ўзингизнинг динингиз, менга — ўзимнинг диним".* Бировни динга киргизишга ҳам, диндаги амалларни бажаришга ҳам мажбур қилиб бўлмайди. Ҳар кимнинг қилган иши, эътиқоди, амали ва яшаш тарзи ўзи учун бўлади ва бунга ўзи жавоб беради. Яхшилик қилса ҳам ўзи учун, ёмонлик қилса ҳам ўзи учун. Жамият ва инсон ҳуқуқига доир қонун-қоидалар, тартиб-интизомларга дини, ирқи, миллати ва жинсидан қатъи назар, барча бирдек амал қилиши керак. Тартиббузарлик, безорилик, тажовузкорлик, ижтимоий тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик кабиларнинг фасод экани, фасодчиларни Аллоҳ ёқтирмаслиги буюк каломнинг 21 ўрнида эслатилади.

Ҳақиқатан ҳам, ўзига тааллуқли бўлмаган нотўғри йўлларда адашиб юрган банибашар учун муқаддас динимиз ҳақиқий нажот қўрғони, кўнгилни, руҳни мусаффо сақлаш баробарида жисму жонга ором берувчи тўғри йўлдир.

Ўзбекистонда бугунги кунда ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини тарғиб қилиш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, ислом дини билан боғлиқ бой ва ноёб меросни илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ёшларни эзгу қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар жаҳон афкор оммаси томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Мовароуннаҳр олимлари ислом олами мамлакатларини ўз атрофига бирлаштириб, тафсир ишларини бошлаб берган эди. Самарқанд ва Бухоро тафсир мактаблари атрофида таниқли муфассирлар, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий издошлари — илм-фан йўлида беқиёс хизмат қилган буюк олимлар етишиб чиққан. Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари "Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз", дер экан, улуғ ўзанлардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда янги Ўзбекистонда илм-маърифатни ривожлантириш мамлакат келажагининг, тараққиётининг асосий негизи сифатида белгилаб олинганини кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда мамлакатда буюк ислом уламоларининг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг асарларидан дунё аҳлини баҳраманд этиш йўлида олиб борилаётган чора-тадбирлар кўлами кўз илғамасдир. IX — XI асрларда ўзбек заминида юз берган юксалиш — биринчи Шарқ Ренессанси даврида етишиб чиққан Маҳмуд Замахшарий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий каби улуғ зотлар, "Ислом маданиятининг олтин асри" деб аталган иккинчи Уйғониш даври олиму уламоларининг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, тарғиб қилиш борасидаги ишлар Ўзбекистонда учинчи Уйғониш пойдеворини яратишига ишончимиз комил. Бу бутун ислом тарихида ҳам янги саҳифа очиши, шубҳасиз.

Самарқанддаги буюк муҳаддис Имом Бухорий мажмуаси яқинида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ҳадис илми мактаби ташкил этилгани шу маънода, дунё мусулмонларини жуда хурсанд қилди. Бу даргоҳларда изланишлар олиб бориш учун муҳташам иншоотлар қуриб берилгани, илм истовчилар ва манбаларни ўрганувчиларга барча шарт-шароит муҳайё этилгани ғоят қувонарлидир. Ўзим бориб кўрган хорижий давлатлардаги халқаро илмий марказлар билан таққослаганда ҳам бу ердаги ўзига хослик, замонавий қулайликлар мақташга арзигулик. Халқаро марказда ҳам, олий мактабда ҳам хорижий давлатлар тажрибаси билан бир қаторда, миллий анъаналарга қаратилган эътибор, ўқув дастурлари, ўқитувчилар ва тингловчилар, тадқиқотчилар учун яратилган имкониятлар кўнгилда ёқимли таассурот уйғотади. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятидан ҳам учинчи Ренессанс тўлқинлари эпкинини пайқайсиз.

Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида жаҳон ҳамжамиятига "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш таклифи билан мурожаат этгани ва бу муҳим ҳужжат кўплаб мамлакатлар, жумладан, Россия Федерацияси ва ислом давлатлари томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватлангани ҳолда қабул қилингани янги Уйғониш даври пойдеворини яратишга қаратилган ишларнинг дастлабки меваларидан бири бўлди, десак, янглишмаймиз.

"Маърифат" тушунчасига замонавий илмий китобларда кишиларнинг онги, билими, маданиятини юксалтиришга қаратилган таълим-тарбия, деб таъриф берилади. Ислом дини нуқтаи назаридан олиб қаралганда эса, бу — инсон камолоти йўлидаги алоҳида етуклик босқичи. Жамиятнинг маънавий тараққиётини маърифатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Маърифатсиз жамият ҳар қанча моддий тўкисликка, мўл-кўлчиликка эришган бўлмасин, маънавий-ахлоқий жиҳатдан таназзулга юз тутишга маҳкум. Инсоният тарихидан бунга мисоллар кўп.

Динимизда маърифатга етишиш фойдалари, бу йўлда билим олиш фарз эканлиги қайта-қайта уқтирилади. *"Олим бўл ёки билим ўргатувчи бўл ёки тингловчи бўл, ё бўлмаса, билимга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан"*. Мана, маърифат йўли! Абу Ҳамид Муҳаммад Ғаззолий дейди: *"Гумроҳ кишилар, илм бўлгач, амалга ҳожат йўқ қаблида фикр қиладилар. Бундай фикрлар илмнинг ўзи билан кифояланиб, шариатни инкор этувчилар эътиқоди бўлиб, улар учун илм ҳосил бўлса-ю, амал бўлмаса. Бу каби илмдан фойда йўқлигини билишмайди. Ҳолбуки, ўқиб ўрганган илмга амал қилмаган кишининг қиёмат кунидаги азоби икки ҳиссадир".*

Маърифатли кишилар ёрдамга муҳтожларга кўмак бериш орқали бахт-саодат туйғуларини ҳис этади. Маърифат мурувватга етаклайди. Бу борада ўзбек халқининг улуғ шоири Алишер Навоийнинг *"Мурувват барча бермакдир емак йўқ, Футувват барча қилмакдир демак йўқ"*, деган сўзларини эслаш жоиз.

Рамазон ойида мўмин-мусулмон аҳлининг миллатидан, ижтимоий табақасидан қатъи назар, бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиши, ёрдам бериши ислом маърифатининг нечоғли улуғ мақомда эканини аён этади. Шу тариқа диний бағрикенглик намоён бўлади. Кўринадики, Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси ҳам инсониятни тўғри йўлга бошлашда катта аҳамиятга эгадир.

> Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида жаҳон ҳамжамиятига "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш таклифи билан мурожаат этгани ва бу муҳим ҳужжат кўплаб мамлакатлар, жумладан, Россия Федерацияси ва ислом давлатлари томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватлангани ҳолда қабул қилингани янги Уйғониш даври пойдеворини яратишга қаратилган ишларнинг дастлабки меваларидан бири бўлди, десак, янглишмаймиз.

Ўзбекистоннинг ислом маърифатига асосланган мустақил сиёсатида дунё бўйлаб бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш билан бирга диний эркинликни таъминлаш, барча дин аҳллари ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, камситилишига йўл қўймаслик устувор йўналиш ҳисобланади. Инсонпарварлик тамойилига йўғрилган бу йўналишлар бошқа мамлакатлар учун динлараро бағрикенглик ва тамаддунлараро мулоқотни ривожлантириш муҳимлигига эътибор қаратишга ундайди.

Ўзбек заминидан етишиб чиққан улуғ алломаларнинг илмий мероси экстремизм, терроризм каби бугунги кундаги таҳдидларга қарши маърифат билан курашишга даъват этади. Ва айтиш ўринлики, Россия давлатида ҳам худди шу тутумга амал қилинади. Дунё ҳамжамияти катта эҳтиёж сезаётган бу нарсага Ўзбекистоннинг диний соҳадаги тажрибасини етказиб, ўрганишга даъват этишимиз мақсадга мувофиқ. Бу муқаддас заминдан етишиб чиққан буюк алломаларнинг илмий мероси ислом оламига самарали хизмат қилаётгани инобатга олинса, дунёдаги 1,7 миллиарддан зиёд мусулмонлар учун Ўзбекистон диний-маънавий марказ мақомида туради. Биргина мисол, ўзим иштирокчиси бўлган, Самарқанд шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари ташаббуси билан бўлиб ўтган "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзуидаги халқаро конференция доирасида ўртага ташланган масалалар замонавий дунё учун нечоғли долзарб эканини тадбирда қатнашган дунё уламолари бирдек эътироф этишди.

IX асрда Мовароуннаҳр ва ислом дини тарқалган ҳудудларда мўътазилия, жаҳмия, карромия каби бир қатор адашган оқимлар ўз таълимотини сингдиришга ҳаракат қилар эди. Самарқандлик буюк мутафаккир Абу Мансур Мотуридий уларга қарши Қуръон ва ҳадис асосида анъанавий аҳли сунна вал жамоа таълимоти ҳақ эканини ақл ва нақл асосида исботлашга бор куч-ғайратини сарфлади.

Нафақат Марказий Осиёда, балки бутун ислом оламида ўз муносиб ўрнига эга бўлган Имом Мотуридий яшаган даврда ислом динида турли гуруҳ ва фирқалар сони кўпайиб кетгани сабабли турли ихтилофлар келиб чиқар эди. Ана шундай вазиятда Имом Мотуридий ислом динининг асл моҳиятини очиб бериш, соф исломий ақидани сақлаб қолиш борасида беқиёс ишларни амалга оширди. Шу маънода, у асос солган таълимот бугунги глобаллашув шароитида юзага келган ва ёшлар онгини заҳарлашга қаратилган турли мафкуравий хуружларга қарши маънавий иммунитет бўлиб хизмат қилади.

Ислом динининг инсонпарварлик ғояларини ёш авлодга етказиш борасида Россия ва Ўзбекистон алоқалари азалий илдизларга эга. Мамлакатларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги каби диний-маърифий ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва муносабатлар юқори даражада олиб борилмоқда. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Россия мусулмонлари диний жамоаси билан ҳамкорлик бўйича битим имзолаган. Муқаддас Рамазон ойида ўзбекистонлик қорилар Россия масжидларида Қуръон хатм қилишлари яхши анъана тусини олгани ҳам ибратлидир.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан Россия мусулмонлари диний бошқармаси ўртасидаги дўстона муносабатлар кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Ўзбекистондаги диний таълим муассасаларида россиялик ёшларни ўқитиш ва диний соҳа ходимларининг малакасини оширишнинг йўлга қўйилиши катта самара бермоқда.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва бошқа исломий олий ўқув юртларида россиялик ёшларнинг таҳсил олиши уларнинг билим ва маънавиятини бойитиб, қалбларига эзгу қадриятларни жойлашида муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, ёш авлод эгаллаётган билимлар уларни Ғарб цивилизациясининг ғайриахлоқий таъсиридан қалқон сифатида ҳимоя қилади. Зеро, бугунги кунда ўргимчак тўридек Ер юзини қамраб олган ижтимоий тармоқларда демократия ниқоби остида якка жинсдагилар никоҳи, оилавий қадриятларнинг пастга урилиши, "олтин миллиард" ғояларининг пинҳоний тарқатилиши каби инсоният келажагига таҳдид солувчи офатлардан билим, гўзал ахлоқ, ўз меросига таяниш ва асл исломий қадриятлар асрашига шубҳа йўқ.

Ўзбекистонда ислом дини асослари, диншунослик, ислом тарихи ва фалсафаси, тиллар ҳамда бошқа фанлар бўйича етишиб чиққан юқори малакали мутахассислар Россия ислом оламига катта ёрдам беришмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида зиёрат туризми ривожлангани сабабли россиялик муслимларнинг Ўзбекистонда жойлашган муқаддас зиёратгоҳларни тавоф этишлари тобора кўпаймоқда. Бу зиёратгоҳларда яратилган шарт-шароитлар, инсоний муносабатлар ҳақида улар ўз яқинларига сўзлаб бериб, сайёҳлик оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилишаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Шунингдек, Россия Федерацияси ҳудудида вақтинча яшаётган, ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасида маънавий, диний, илмий-амалий ҳамкорликнинг ривожланиб боришида муқаддас динимизнинг азалий ва абадий қадриятлари беқиёс ҳисса қўшмоқда.

Дунёда авлодларнинг басма-бас ўрин алмашуви орқали ҳаёт бардавом. Бу жараёнда башариятнинг нимандир қўлга киритиши, топиши бошқа бир нарсадан маҳрум бўлиши эвазига кечишини унутмаслик лозим. Шу маънода, Қуръони карим ва Ҳадиси шариф асосида муҳташам "Маънавий маснавий" асарини дунёга тақдим этган Мавлоно Жалолиддин Румийнинг "ҳар қандай муяссариятда маҳрумият мавжуд, ҳар қандай маҳрумиятда муяссарият", деган сўзларини эсламоқ жоиз.

Инсониятнинг ҳаёт кечириш тарзи бугунги техник ва технологик жараёнлар фонида шу қадар тезлашиб кетдики, у дунёга нима учун келганини, Яратган эгам олдидаги масъуллигини то эслагунча умри поёнига етганини ҳам сезмай қолаётир. Бу — жуда катта ва жиддий масала. Тараққиётнинг инъом этган моддий мўл-кўллиги, еб-ичиш, уй-жой, турли уловлар ана шу масъулликни бажариш йўлидаги воситалар эканлигини унутмаслик зарур. Сўзимнинг якунида тинчлик элчиси, гўзал ахлоқ ва яхши одоб фурсати саналган муқаддас Рамазон ойида нажот қўрғонимизни ҳар кун, ҳар соатда имону эътиқод билан мустаҳкамлаш ва Яратганнинг марҳаматига эришиш барчамизга насиб этишини тилаб қоламан.

**Альбир КРГАНОВ,**
**Москва муфтийси, Россия мусулмонлари диний жамоасининг раҳбари, Россия Федерацияси жамоатчилик палатаси аъзоси.**

Реклама

NBU

# «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАР

**Жамиятнинг номи:** «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

**Жойлашган жойи:** 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.

**Электрон почта манзиллари:** info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz

**Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили:** 2023 йил 12 май куни соат 11.00. Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.

**Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана:** 2023 йил 5 май.

**Кун тартибига киритилган масалалар:**

**1.** «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамиятининг 2022 йил якунлари бўйича бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

**2.** «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамиятининг 2022 йил натижалари бўйича Кузатув кенгаши ҳисоботини тинглаш.

**3.** «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамиятининг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик хулосасини кўриб чиқиш ва 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

**4.** «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамиятининг 2022 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

**5.** «FTF-LEA-AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

**6.** «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамиятининг аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида 2023 йил якунлари бўйича йиллик акциядорларнинг йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.

**7.** «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларининг ваколат муддатларини 3 йилга узайтириш.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
Халқ сўзи
2023 йил 21 апрель



# ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ ТУРК ДУНЁСИ РАССОМЛАРИНИ БИРЛАШТИРДИ

*Шу йилнинг 17 апрелидан Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ўтказилаётган анъанавий Тасвирий ва амалий санъат халқаро фестивали бугун якунланади.*

*Ҳаяжонли учрашувлар, танишув, таассурот ва тадбирларга бой бўлган санъат ҳафталигида Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги ташкилотлар, таълим муассасалари намояндалари, устозлар ва талаба ёшлар фаол иштирок этди.*

*Мухбиримиз ушбу нуфузли халқаро анжуман иштирокчилари билан учрашиб, таассуротлари билан қизиқди.*

## Таассурот

**Акмал НУР,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси раиси,**
**Ўзбекистон халқ рассоми, академик:**

— Давлатимиз раҳбарининг 2020 йилдаги “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида тасвирий ва амалий санъат соҳаларида миллий меросимизни тиклаш, Камолиддин Беҳзоднинг бой ижодий меросини халқимизга тўла етказиш кўзда тутилган.

Қарорда ёш истеъдодли ижодкорларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Камолиддин Беҳзод издошлари” миниатюра ва халқ амалий санъати асарлари ижодий танловини ташкил этиш ва уни ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб бориш белгиланган.

Ана шу асосда юртимизда Бадиий академия ҳамда қатор вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, ижодий уюшмалар ҳамкорлигида бир неча йилдан буён Тасвирий ва амалий санъат фестивали халқаро миқёсда нишонланиб келинмоқда. Тадбир иштирокчилари географияси жуда кенг. Улар орасида Корея Республикасидан, Россия, Қозоғистон ва Беларусдан талабалар, тасвирий санъат мактаблари ўқувчилари бор.

Шунингдек, фестивалда қатор давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари, таниқли рассомлар, ҳайкалтарошлар, фотографлар қатнашди. Мусаввирлар, халқ амалий санъати усталари, дизайнерлар, ҳайкалтарошлар иштирокида Тошкент шаҳри ва ҳудудларда кўргазмалар, маҳорат дарслари, илмий анжуман ва ярмаркалар ташкил этилди. Маҳоратли ёш рассомлар ҳамда амалий санъат усталарининг ижодий ишлари намойиш қилинди. Танлов ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Камола ОҚИЛОВА,**
**Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси директори, санъатшунослик фанлари доктори:**

— Бу йилги фестиваль қамрови ва нуфузи жиҳатидан ажралиб турди. Сабаби, ушбу анжуман доирасида Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ)нинг 30 йиллигига бағишлаб аъзо давлатлар санъат намояндалари, ижодкорлар иштирокида “Турк дунёси рассомларининг учрашуви” номли халқаро кўргазма ўтказилди. Ундан туркий дунё мамлакатларининг 50 дан зиёд таниқли рассомларининг 200 га яқин машҳур ва нодир санъат асарлари ўрин олган. Шунингдек, ташкилотга аъзо мамлакатлар вакиллари иштирокида тасвирий ва амалий санъат соҳаларида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш бўйича давра суҳбати ўтказилди.

**Раҳимжон РИЗАМУҲАМЕДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси:**

— Фестивалдан бир умр эсда қоларлик таассурот олдим. Жумладан, “Ранглар жилоси” тақдимоти, Тимур Раҳметовнинг маҳорат дарси, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда “Франция ва унинг ўзига хос мероси” фотокўргазмаси, Саидбек Собирбаевнинг шахсий кўргазмаси, айниқса, ўзига хос бўлди. Шунингдек, “Дизайн — санъат ва фан туташувидаги фаолият сифатида” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция, ТУРКСОЙ кўргазмаси иштирокчилари Гахраман Гўчмурадова ва Тўйли Чопанованинг рангтасвир бўйича “Гамма” савдо белгиси билан ҳамкорликдаги маҳорат дарслари ёшлар учун кўнгилли бўлди.

**Элдорбек АЙТМАТОВ,**
**рассом (улуғ адиб Чингиз Айтматовнинг фарзанди):**

— Ўзбекистон — ота-боболаримиз юрти, маданий, тарихий илдизларимиз бир. Менинг Ўзбекистонга меҳрим юксак. Тошкентга келиб, ўз уйимга келгандай бўлдим. ТУРКСОЙ доирасида уюштирилган кўргазмада ўз асарларимиз билан иштирок этдик. Санъат ихлосмандлари беш кун давомида дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган санъат усталарининг беназир санъат намуналаридан баҳра олишди, ижодий мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш имконига эга бўлдик.

**Суни ЮН,**
**Кемён университети ўқитувчиси**
**(Корея Республикаси):**

— Аввало, айтишим керак, пойтахт Тошкент яшил шаҳар сифатида катта таассурот қолдирди. Одамларнинг хушмуомалалиги, меҳрибонлиги, мулойимлиги худди халқимиз менталитетига ўхшашлиги бизни ҳайратга солди. Фестивалга келадиган бўлсак, унинг очилиш маросими, турли миллат ва элатлар мусиқий санъатини ўзида жамлаган концерт дастури, иқтидорли ёшларнинг кўргазмалари бетакрор ўтди. Анжуманда тасвирий ва амалий санъатнинг турли йўналишида фаолият кўрсатаётган, Корея Республикасидан келган 17 нафар ижодкор беш кун давомида кўплаб тадбирлар, маҳорат дарслари, давра суҳбатларида иштирок этиб, катта таассурот олдик.

**«Халқ сўзи».**

Эксклюзив интервью

# БОТИНИЙ ГЎЗАЛЛИК ҲАМИША ЭЪЗОЗЛАНАДИ

## ёки санъат пул билан эмас, нафосат билан ўлчанади

*Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Халқаро тасвирий ва амалий санъат фестивали доирасида Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ)нинг 30 йиллигига бағишлаб, “Турк дунёси рассомларининг учрашуви” номли кўргазма намойиш этилди. Ундан туркий дунё мамлакатларининг 50 дан зиёд таниқли рассомларининг 200 га яқин ижодий асарлари ўрин олган.*

*Ушбу кўргазмада ўз асарлари билан муваффақиятли иштирок этган Озарбайжон халқ рассоми, академик Сакит МАМЕДОВдан эксклюзив интервью олишга муваффақ бўлдик.*



**— Ўзбекистонга хуш келибсиз, илк кечинмаларингиз ҳақида нима дея оласиз?**

— Ташаккур, биринчи келишимга қарамай, Тошкентда ўз юртимга келгандай ҳис қиляпман ўзимни. Чунки биз туркийлармиз, илдизларимиз битта. Ҳамма билан ўз она тилимизда суҳбатлашяпмиз, бир-биримизни яхши тушуняпмиз.

Биласизми, Тошкент худди Бокуга ўхшар экан. Яшиллиги, одамларнинг ширинсуханлиги, одамохунлиги менга жуда ёқди. Фестивалга келган кўплаб ижодкорлар билан дўстлашдик, ўзаро фикр алмашдик, доимий ҳамкорлик қилишга келишиб олдик. Ўзбекистон халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев чизган асарлар менга жуда манзур. Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нуриддиновни эса анчадан буён танийман. Ўтган йили Хитойда биргаликда умумий кўргазмамиз бўлиб ўтган эди. “Facebook”да ўзбекистонлик истеъдодли ёш рассомлар ижодини кузатиб келаман. Уларнинг ўз колорити, ўз танлови, йўналиши бор, менга завқ беради.

**— Фестивалдан олган дастлабки таассуротларингиз...**

— Биласизми, дастлабки таассурот ҳеч қачон алдамчи бўлмайди. Халқаро тасвирий ва амалий санъат фестивали очилишида менинг диққатимни тортган нарса — жуда кўп ёшларнинг ушбу анжуманда иштирок этаётгани бўлди. Бу менга ёқди. Улар ўз асарлари намойишидан ташқари шу ернинг ўзида сурат чизишни давом эттиряпти, кимдир лойдан кўза ясаяпти, кимдир заргарлик, хаттотлик, ганчкорлик, ўймакорлик ва бошқа-бошқа санъатларини намойиш қиляпти. Бу ижодкор сифатида мен учун жуда-жуда ёқимли. Уларнинг ишларига, яратаётган асарларига разм солиб, ҳақиқий истеъдод учқунларини кўрдим. Шундан кўнглим хотиржам бўлди. Демак, бизнинг муносиб издошларимиз, умидли ёшларимиз туркий дунё санъатини янада юксалтиради. Улар биздан яхшироқ, улар биздан истеъдодлироқ, дегим келади. Ёшларга эътибор бўлган жойда эса ривожланиш, тараққиёт бўлади.

**— Дунёнинг жуда кўп давлатларида сиз чизган суратлар кўргазмаси ташкил этилган. Бугун туркий давлатлар рассомлари асарлари доирасида ўз ижод намуналарингиз билан фестивалда қатнашяпсиз. Ўзбекистонда кўргазмангизни қачон кутайлик?**

— Бу борада дўстим, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Акмал Нур билан келишиб олдик. Қачон хоҳласангиз, қучоқ очиб кутиб оламиз, деди. Бу, албатта, мен учун шараф. Бу йил менинг юбилейим муносабати билан Бокуда, ундан кейин Туркияда, ёзда Озарбайжоннинг маданий маркази бўлган Шуша шаҳрида шахсий кўргазмам ташкил этилади. Чунки Тоғли Қорабоғ ҳудудида жойлашган қаҳрамон Шуша шаҳри 2023 йилда туркий дунё маданияти пойтахти этиб эълон қилинди. Шу муносабат билан бу ерда бир қатор тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Унга дунёнинг энг машҳур рассомларини, дўстларимни таклиф қиламан. Ундан кейин, насиб этса, Ўзбекистонга ҳам келиш ниятим бор.

**— Сизни тасвирий санъат соҳасида опализм жанрига асос солган, деб таърифлашади. Бу қандай маънони англатади?**

— Опаль деган турли ранглардаги тош Австралияда учрайди. Мен чизган суратларимда шундан фойдаланаман. У ёрқин рангдан ташқари алоҳида жило беради, тасвирдаги ранглар тиниқлигини бўрттириб кўрсатади, уйғунликда акс эттиради. Сурат чизишда ундан римлик рассомлар ҳам фойдаланишган. Мен ҳам ижодий ишларимни яратишда ана шу турли рангдаги тошлар ҳосиласидан фойдаланаман.

**— Сакит оға, санъатга болаликдан қизиққанмисиз, неча ёшдан сурат чиза бошлагансиз?**

— Мен Озарбайжоннинг Нефтчала туманида туғилганман, қишлоғимиз шундоққина Каспий денгизи ёнида эди. Олти яшар пайтимдан ҳар куни денгиз соҳилига бориб, қумга турли суратлар чизардим, бундан чарчамасдим. Эртаси куни суратлардан хабар олгани борсам, уларни денгиз тўлқини ювиб кетган бўларди, қум теп-текис бўлиб турарди. Шундан кейин яна кеч қоронғусигача хаёлимга келган, тасаввуримдаги турли суратларни чизишда давом этардим. То ота-онам ёки ака-укаларим чақириб, соҳилдан судраб кетмагунича ишимни давом эттирардим. Ана шунақа қилиб, денгиз мавжланиб, суратларимни ўчириб чарчамасди, мен қайта-қайта денгиз қирғоқларини теп-текис қилиб қўйиган бепоён қумтекисликларга сурат чизишдан эринмасдим. Кейин уйимизнинг деворини оқлашди, мен кўмир билан оппоқ деворга сурат чизишни бошладим. Буни кўриб, ота-онам мени уришар, деворни қайтадан оқлаб қўйиишарди. Кейинчалик улар “Оббо, ўшанда сен чизган суратларни ўчирмасак бўларкан, бундай машҳур рассом бўлишингни қаердан билибмиз?” деб ҳазиллашадиган бўлишди.

Ўша пайтда “Пионерлар уйи”да очилган сурат чизиш тўгарагига қатнадим, Азим Азимзода номидаги бадиий билим юртига ўқишга кирдим. Ундан сўнг Репин номидаги Ленинград бадиий академиясида ўқиб, Моисенко деган машҳур рассомдан сабоқ олдим.

**— Дастлаб машҳурлик касб этган биринчи асарингиз қандай номланади?**

— Мен ўқишни битираётганимда “Менинг тенгдошларим” деб номланган диплом ишини тайёрладим. Кутилмаганда бу асарим ҳаммага маъқул бўлди, мени ўша пайтда собиқ иттифоқ рассомлар уюшмасига аъзо қилишди. Кейин Ленинградда, академияда фаолиятимни давом эттириш таклифи бўлди. Бунга кўнмай, юртимга бориб ишлашга қарор қилдим. Бокуга келиб ижодимни давом эттирдим, қилган меҳнатларим орқасидан профессор, академик ҳам бўлдим. Чунки мен Бокуни, она юртимни, унинг бетакрор табиатини, содда ва очиқ чеҳрали инсонларини севаман, уларсиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Шунинг учун ҳам аксарият асарларимда она табиат, оддий, кундалик ташвиш билан юрадиган бағрикенг инсонларга кенг ўрин берилган.

**— Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида ижодий ишларингиз кўргазмаси бўлиб ўтган экан. Одатда бундай кўргазмаларда рассом чизган суратлар, адашмасам, сотилади ҳам. Сўзсиз, бундан сизнинг ижод намуналарингиз ҳам истисно эмас. Жуда қиммат нархда сотилган асарингиз ҳам борми?**

— Нокамтарлик бўлса ҳам айтиб қўяқолай, мен дунёдаги энг қиммат рассомлардан бириман. Лекин энг қиммат асаримни қанчага сотганимни айтолмайман, бу сир. Хорижда ўтказилган кўргазмалардан бирида бир бадавлат харидорга чизган суратларимдан бири ёқиб қолди. Сотасан, деб туриб олди. Унга кўргазмадан кейин сотаман, шу сизники, десам ҳам кўнмади. Сотишга кўнмасам-да, у барибир ўз сўзида туриб олди, суратни қўлга киритмагунича кўнгли тинчимади. Ана шунда кўрганман, санъатни тушунадиган одамга бирор асар ёқиб қолса, унинг кўзига бошқа ҳеч нима кўринмаслигини. Чунки санъат пул билан ўлчанмайди.

**— Мана, ниҳоят, сизга дунё бўйича берилган унвонларга ҳам етиб келдик. Бизнинг билишимизча, сиз ЮНЕСКО рассомлар уюшмаси аъзоси, Табиий фанлар бўйича Европа академияси профессори, Геральдика бўйича Ватикан академияси графи, Бутунжаҳон бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, Россия бадиий императорлик академияси ва Ҳозирги замон санъати Рим академиясининг фахрий аъзоси, Турк дунёси академиясининг ҳақиқий аъзоси... Бу саноқни яна давом эттириш мумкин.**

— Энди очиғи, буларни мен сўраб олганим йўқ. Ҳаммаси пешона терим, меҳнатим, қолаверса, қандайдир истеъдодим натижаси бўлса керак. Албатта, шуҳрат кимга ёқмайди? Мен ҳам оддий одамман, одамга хос кайфиятлар, хислатлар менга ҳам бегона эмас. Масалан, Британия қироллиги қироличаси Елизавета II билан уч маротаба суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлганман. Қиролича асарларимни кўриб, мени суҳбатга таклиф этган. Тасаввур қилинг, у ҳатто Сальвадор Дали, Пикассонинг асарларини ҳам ёқтирмас экан. Менинг чизган суратларим унга маъқул бўлиб қолибди.

Ҳатто бир гал шундай бўлганки, Елизавета II мени ўз суҳбатига чақирганида араб давлатлардан келган бир қирол роппа-роса бир соат қабул учун кутиб турган. Елизавета II менинг асарларим қўйилган галереяда бирга юриб, уларни томоша қилган, баъзи нарсаларни сўраган, тушунтириб берганман. Қироличанинг турмуш ўртоғи, ўғлини, невараларини кўрганман, улар билан ҳам суҳбатлашганман. У менинг чавгон ўйинига бағишлаб чизган суратимни кўриб, Европада кенг оммалашган поло ўйинига қиёслади. “Йўқ, бу поло эмас, туркийларнинг оммалашган қадимий ўйини, XII асрда тоғли қорабоғликлар бу ўйинни ўйлаб топган”, дедим. Кейин билишимча, қиролича гапираётганида, унинг сўзини бўлиш, гап қайтариш, эътироз билдириш мумкин эмас экан. Қайдан билибман? Шунда ҳам хафа бўлгани йўқ, кулиб қўяқолди. Мен қироличага ўзим чизган иккита суратни совға қилганман. Улар ҳозир Виндзор саройида осиғлиқ турибди. Ўшанда Елизавета II менга “барон” унвонини берган. Бундай унвон эса ҳар кимга ҳам берилавермайди.

> Мен — ўзбекман, туркман, ўғизман, хуллас, туркийман. Ўзбек халқи — менинг халқим. Туркий давлатлар ҳамкорлик алоқалари замирида тарихий ришталар, тил, дин, маданият, анъаналар, қадриятлар яқинлиги муҳим ўрин тутади.

**— Озарбайжонлик ҳамкасб тенгдошларингиз, катта авлод вакиллари, тасвирий санъат соҳасидаги истеъдодли ёшлар ҳақида фикрларингиз...**

— Тўрт фасл мукаммал бўлган диёрда фақат истеъдодлар туғилади. Бизнинг Озарбайжон ана шундай, Ўзбекистон каби Худонинг назари тушган баракали диёр. Бу замин қадим-қадимдан ҳам буюк ижодкорларни дунёга танитган, улар илм-фан, маърифат, маънавиятимизга улкан ҳисса қўшган алломаларимиз. Бугунги кунга келсак, ўша анъаналарни давом эттираётган улуғ инсонлар, жумладан, тасвирий санъат соҳасида ҳам кўзга кўринган ижодкорлар кўп. Уларнинг ҳаммаси билан дўстмиз, яқиндан мулоқотда бўлиб турамиз. Ўзаро фикр алмашамиз, чизилган суратларга муносабатларимизни билдирамиз.

Айниқса, таниқли рассом Тойир Салоҳ билан узоқ йиллардан буён қадрдонмиз, жуда бебаҳо инсон. У билан бирга Португалияда, Францияда, Испанияда, Россияда бўлиб ўтган кўргазмаларда қатнашганман. Бундан ташқари, вояга етиб келаётган ёш рассомларимизни жуда ҳурмат қиламан. Чунки улар фавқулодда истеъдодли ёшлар. Кўплаб шогирдларим бор. Уларга қўлимдан келганча ёрдам бераман, кўргазмалар ташкил этишига кўмаклашаман. Ёш истеъдодли рассом Ориф Азиз, Акшин Козимов, бугунги фестивалда ўз асарлари билан қатнашаётган Фикрат Ибрайимли, ҳозир Японияда уюштирилган шахсий кўргазмаси тақдимотига кетган таниқли рассом Жасар Мамедов шулар жумласидан.

Менинг ўнга яқин шогирдларим, асосан, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари. Уларга чизиш учун бўёқ, мато ва билимимни бераман. Ўзимга талабчанлигим боис уларга нисбатан ҳам жуда талабчанман ва ҳар бир ютуғидан қувонаман. Менинг деярли бўш вақтим бўлмайди, шунинг учун мен таклиф этилган халқаро кўргазмаларга кўпинча шогирдларимни жўнатаман. Ҳозир уларнинг бир нечтаси турли фестиваль ғолиблари бўлишди. Акшин Козимов ТУРКСОЙ танлови ғолиби бўлди, Жасар Мамедов Британия бадиий академияси аъзоси, Турон Мухторзода ўз асарларини Париждаги Лувр саройида намойиш қилди, “Замон ва анъаналар” фестивали мукофоти билан тақдирланди. “От ўрнини той босар”, деганларидек, бундай истеъдодли ёшлар изимиздан келаётгани кўнгилга қувонч бағишлайди.

**— Сакит оға, нечта тилни биласиз?**

— Унча кўп эмас. Европа давлатларида жуда кўп кўргазмалар ўтказганман, шунинг учун инглиз тилини ўрганишимга тўғри келган. Энди рус тили, турк тилида эмин-эркин гаплашамиз, тушунмаганга инглизчалаб тушунтирамиз. Умуман олганда, санъатга таржимон ҳам керак эмас, асарни томоша қилган ҳар бир мухлис ундан ўзича завқ олади, ўзича хулоса чиқаради...

**— Халқаро туркий маданият ташкилотининг ушбу кўргазмада иштироки ҳақида тўхталсангиз?**

— Бундай кўргазма ва фестиваллар ТУРКСОЙ томонидан турли туркий мамлакатларда 25 йилдан буён уюштирилиб келинади. Тошкентда ўтказилган “Турк дунёси рассомларининг учрашуви” номли кўргазма ҳам ана шу асосда иш бошлади. Ташкилотга аъзо мамлакатлар вакиллари иштирокида тасвирий ва амалий санъат соҳаларида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш бўйича давра суҳбати ҳам ташкил этилди.

Озарбайжонда 10 миллион аҳоли яшайди. Шунинг учун ҳамма жойда “Мен турк дунёси рассомиман” деб айтиб келаман. Чунки бу гапни айтганимда ортимда Ер юзида яшаётган, туркий тилда гаплашадиган 400 миллионли халқ турган бўлади. Бундан фахрланаман, ғурурланаман ва бу мен учун жуда катта шараф.

Яқинда Австриядан менга суратим туширилган почта маркаси жўнатишибди. Конвертда эса Леонардо да Винчи сурати туширилган. Бундай марка атиги 20 дона чиқарилибди. Сербиядаги Қироллик бадиий академияси “Уйқудаги фаришта” серияли асарларим тўпламига Гран-при мукофотини раво кўрди ва “Қўриқловчи фаришта” орденини тақдим этди. Россиянинг “Муқаддас Георгий” ва “Олтин бургут” медалларига сазовор бўлдим. Германиянинг Буюк Фридрих ва Бетховен медалларига лойиқ кўрилдим. Қолаверса, Европа академияси “Олтин тож” ордени билан тақдирлади. “Моцарт ҳақида хотиралар” асарим учун Австрияда ЮНЕСКОнинг “Моцартнинг олтин медали” халқаро мукофотини қўлга киритдим. Буларнинг ҳаммаси озар миллати санъатига, туркий халқлар санъатига эҳтиром ифодаси эмасми?

**— Ҳар бир инсон ҳаётида яхши-ёмон дамлар бўлиши табиий. Ижодкорнинг шодлик кунлари, қайғули кунлари қандай кечади?**

— Биласиз, ижодкор кайфиятнинг одами. Деворга ўхшаган намкаш бўлади. Ҳамма нарсани ўзига олаверади. Яхши кундан болага ўхшаб хурсанд бўлса, ёмон кунни изтироб билан қабул қилади. Рассом учун энг бахтли кунлар унинг асарлари кўргазмаси ташкил этилганидир. Ўзини еттинчи осмонда ҳис этади. Албатта, ҳаётда ҳар хил йўқотишлар, ёмон кунлар ҳам юз беради. Лекин улар Туркияда бўлган фожиалар олдида кўринмай-билинмай кетади. Даҳшатли зилзила қанча одамларнинг ёстиғини қуритди, дунёнинг барча жойидан келган қутқарувчилар катта жасорат билан кечаю кундуз ишлаган бўлса ҳам, кўп одамларнинг жасади қулаган иморатлар остида қолиб кетди. Буларни эшитиб, бир ой мотам тутдим, қўлим ишга бормади... Мен ҳамма рассомларни йиғиб, Туркияга, фожиа жойига ёрдамга бордим. Зилзиладан жабр кўрганларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатдик. Ҳозир ўйлаб юрибман, ана шу фожиалар билан боғлиқ асар яратмоқчиман.

**— Яна фестиваль таассуротларига қайтсак...**

— Ушбу санъат ҳафталиги янги истеъдодларни юзага чиқариш, ижодий алмашинув, “Устоз — шогирд” анъаналари бардавомлигини таъминлаш, жаҳонга турк олами тасвирий ва амалий санъати ютуқларини кенг танитишга хизмат қилади. Умуман олганда, бу фестиваль тасвирий ва амалий санъат соҳасида ёш истеъдодларни кашф этиш, рағбатлантириш, уларга ҳар томонлама кўмаклашган ҳолда иқтидорини тўла намоён қилишига шарт-шароит яратиб беришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Фестивалда нафақат тажрибали рассомлар, балки ҳаваскорлар, ижодини энди бошлаган ёшларнинг ҳам ижодий ишлари тақдим этиляпти. Тасвирий ва амалий санъатнинг турли йўналиш ва жанрларига оид асарларда ёш авлод истиқболи, таълим-тарбияси, саломатлиги йўлида олиб борилаётган ишлар, ёшларга кўрсатилаётган меҳр-эътибор аксини топган.

**— Ўзбек халқига, фестиваль иштирокчиларига тилакларингиз?**

— Биз ягона туркий оиламиз — илдизимиз битта. Туркий халқларнинг барчаси бир миллат, бир оилага мансуб, уларга таржимон ёллашга ҳам эҳтиёж йўқ. Буюк қомусий бобомиз Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғотит турк” асарида ёзганидек, Худо давлат қуёшини турклар буржида яратди, халққа бош қилди, уларни тўғри йўлга юришга қодир этди. Мен — ўзбекман, туркман, ўғизман, хуллас, туркийман. Ўзбек халқи — менинг халқим. Туркий давлатлар ҳамкорлик алоқалари замирида тарихий ришталар, тил, дин, маданият, анъаналар, қадриятлар яқинлиги муҳим ўрин тутади. Шу сабабдан ҳам бундан 30 йил муқаддам тузилган ТУРКСОЙ ўзаро ҳамкорликда турли форумлар, анжуманлар ўтказиб келмоқда. Тошкентда ўтказилган ушбу форум ҳам ғоят таассуротларга бой бўлди.

Туркий давлатлар ўзининг санъати, маданияти, адабиёти ҳамда соҳага беқиёс ҳисса қўшган буюк шахслари билан дунёга машҳур. Шу нуқтаи назардан, ТУРКСОЙ йиғилишлари, анжуманларида маданий алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бугунги кунгача ҳам ташкилот доирасида салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Минг йиллардан буён туркий олам деб аталган улкан бир дарахтнинг кўкка бўй чўзган бақувват новдаларимиз. Ниятим — юксалишларимиз бардавом бўлсин.

**Нуруллоҳ ОСТОНОВ**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 441. 18 225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.35 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6